

МАКРОИҚТИСОДИЙ ПРОГНОЗЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилда кутилаётган ва 2023 йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнозлар муҳокама қилинди.

Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 фоизга ўсиши, экспорт 13 фоиздан кўпроқ ошиб, 19 миллиард долларга етиши кўтилмоқда. Давлат сиёсатида аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда.

Жумладан, 2022 йилда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган масалаларни ҳал қилишга бюджетдан 8 триллион сўм йўналтирилди. "Ташаббусли бюджет" доирасида 8 миллионга яқин аҳоли тақлифларидан келиб чиқиб, маҳаллалардаги лойиҳаларга 2,5 триллион сўм ажратилди. Бунда ҳудудларнинг қўшимча иқтисодий имкониятларидан шакланган 16,5 триллион сўм ҳам ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилди.

2023 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми камида 5,3 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Дунёда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга келгуси йил ҳам асосий мақсад юртимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляциянинг кескин ошиби кетишининг олдини олишга қаратилди.

Йигилишда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Хусусан, келгуси йилда sanoatda 5,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 3,5 фоиз,

хизматлар соҳасида 14,1 фоиз ўсишга эришиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, аниқланган захиралар ҳисобига sanoat ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча 12 триллион сўмга ошириш имконияти кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга 10 триллион сўм ажратилди. Иқтисодиётга банклар ҳисобидан 200 триллион сўм кредит ва халқаро молия ташкилотларидан 500 миллион доллар узоқ муддатли ресурс жалб қилинади.

2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни 19 фоизга ошириб, қарийб 10 миллиард долларга етказиш ҳамда 8 миллиард долларлик янги йирик лойиҳаларни бошлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, келгуси йилда ҳудудларда қарийб 8 миллиард долларлик 300 га яқин йирик лойиҳа ишга туширилади. Бу ўз навбатида, ҳудудий sanoatни 11 фоизга оширишга имкон беради.

Йигилишда 2023 йилда 18 миллиард долларлик тармоқ ва ҳудудлар экспорт режаси ҳам тақдимот қилинди. Жумладан, ҳудудий экспортни 60 фоизга ошириб, қарийб 10 миллиард долларга етказиш режа қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари электр техникаси, тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм sanoati, қишлоқ ҳўжалиги ва фармацевтика каби соҳалар экспортини камида 50-60 фоизга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жорий йилнинг 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокарада икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, sanoat кооперацияси бўйича манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни

кенгайтириш, фаол ҳудудларро ва маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш каби асосий масалалар ўрин олган.

Давлат раҳбарлари бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаб бериши режалаштирилмоқда.

Учрашувлар якунида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама битимларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ НАМУНАЛИ МОДЕЛИ

21-22 декабрь кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтади.



Ушбу ташриф Қозоғистон раҳбарининг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан сўнг илк хорижий ташрифларидан бири бўлиб, бу икки давлат ўртасидаги иттифоқчилик му-

носабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик ва интилишнинг юксак даражасидан далолат беради.

Давоми 2-бетда



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ АМАЛ ҚИЛМОҚДА

БМТ Бош Ассамблеяси Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Бу Ўзбекистондаги ислохотлар ва ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан олқишланаётгани кўзгусидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу резолюцияни қабул қилиш тақлифини илгари сурган эди. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари ташаббуси дунё миқёсида ўта долзарб, шу билан бирга, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида парламентларнинг барча имкониятини

сафарбар қилган ҳолда натижадор фаолият юритиши тақозо этади.

Резолюцияни ишлаб чиқиш ва маромига етказиш жараёнида 80 та давлат иштирок этиб, ҳаммуаллифлик қилгани ҳам халқаро ҳамкорлигимиз далилидир.

Давоми 3-бетда

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ



Хаким Иброҳимов ошган сурат.

ЭНГ ҚАДИМИЙ ТАРМОҚНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Айни кунлар ғалвир сувдан кўтариладиган, сарҳисоб қилинадиган пайт. Шундай кезде "Economist Intelligence Unit" таҳлил агентлиги томонидан "Corteva Agriscience" кўмагида ҳар йили қайтадан тузиладиган Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (GFSI) рейтингини кўрсаткичларига назар ташлаб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Чунки бу индекс 34 муҳим кўрсаткич асосида тузилган бўлиб, аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш борасида атрофлича маълумотлар олиш имконини беради. У кишиларнинг даромадлари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган нарх ўртасидаги нисбатни ифодалаш билан бирга, бо-

зорнинг ушбу маҳсулот турлари билан тўйинганлик даражасини, сифати ва турлари бўйича таркибини ҳам ҳисобга олади. Бинобарин, ушбу индексда юқорига кўтарилиб борган сайин мамлакатнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори ҳам ортади.

Давоми 4-бетда

“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Мамлакатимизда байрам арафасида меҳр-муруват, ғамхўрлик ва саховат кўрсатиш анъана тусини олган. Айниқса, Янги йил байрами олдидан қаратилётган эътибор болажонларнинг кўнглига чексиз шодлик ҳада этиб, унутилмас таассуротларга ошно қилади. Ҳар йили жойларда “Президент арчаси” тадбирлари ўтказиб келинаётгани, минглаб ўғил-қизларга “Президент совғаси” тортиқ қилиниши ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Давоми 2-бетда



ИФТИХОР

САМАРҚАНД ИЛМ ВОСИТАСИДА ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИГА АЙЛАНГАН



“Самарқанд фасли” номли қиссани эълон қилганидан кейин мавзунини давом эттириб, йирик бир асарга маълумот тўплаш мақсадида ер юзининг сайқали номига сазовор бўлган шаҳарга бордим. Янги бунёд этилган “Боқий Самарқанд” мажмуаси юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум эди. Кимдир мажмуадаги иншоотларни, кимдир уста-хунармандларнинг қўл меҳнати маҳсулотларини ҳайрат билан томоша

қиларди. Ҳақиқатан, бутун мамлакатимизнинг бебаҳо ва қадим маданияти — ҳар бир вилоят уста-хунармандларининг касб-кори шаҳарчада қайта дунёга келгандек. Бу мўъжизавий шаҳарча яна бир ҳайратланарли замонавий шаҳар билан ёнма-ён бунёд этилганига гувоҳ бўласиз. Гўё ўтмиш ва келажак уйғунлашиб, Янги Ўзбекистоннинг жамолини намён қилаётгандек.

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ИККИ ВА КҮП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ НАМУНАЛИ МОДЕЛИ

Бошланғичи 1-бетда

Сўнгги пайтларда Марказий Осиё минтақаси халқаро дипломатия ва сиёсий фаоллик марказига айланган...



айирбошлаш ҳажми, пандемия оқибатларига қарамай, барқарор ўсиб бормоқда. 2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида бу кўрсаткич 4,2 миллиард АҚШ доллари ташкил этди...

Бу савий-ҳаракатларга қўшимча туртки бериш мақсадида биргаликда Саноят кооперацияси халқаро марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ҳар бир давлатнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши бутун минтақа барқарорлиги билан chambarchас боғлиқлигини чуқур англаган ҳолда...

Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий, маънавий ва маданий яқинлиқдаги яхши қўшнилар, шунингдек, Марказий Осиё салохиятини мустаҳкамлаш, бутун минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшаётган ишончли стратегик ҳамкорлардир.

Икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 ноябрь кунини ўрнатилган. Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг бутун тарихи давомида томонлар иқтисодий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг намунали моделини намойиш этиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ҳамда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқоевнинг 2019 йил 14-15 апрель кунини Ўзбекистонга давлат ташрифи янги босқичдаги ҳамкорликка кучли туртки берди.

Қозоғистон билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Икки давлат халқаро сиёсат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар

Транспорт коммуникацияси соҳаси Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йуллари ўзаро интеграциялашган.

Ўшбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини бажармоқда. Бугунги кунда бу борадаги истиқболли лойиҳалар каторида Учқудуқ — Қизилўрда участкасида янги йўлак барпо этиш ҳам бор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзаро сармоя киритиш, саноят кооперацияси, қишлоқ хўжалиғи саноати, энергетика, фармацевтика ва қурилиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам савдо-иқтисодий алоқаларнинг "ўсиш нуқталари" ҳисобланади.

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҚ МИЛЛАТИГА МАНСУБ 800 МИНГДАН ЗИЁД ЮРТДОШИМИЗ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ, ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕКЛАР ЖАМИЯТИ ЭСА 500 МИНГГА ЯҚИН КИШИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. УЛАР ИККИ ДАВЛАТ РАВНАҚИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА, ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШМОҚДА. ҚОЗОҚ МИЛЛАТИГА МАНСУБ 600 НАФАРДАН ОРТИҚ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВА 20 ДАН ОРТИҚ ҚОЗОҒИСТОНЛИК ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН.

Икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасидаги самарали ҳамкорлик аънанавий тарзда ихтисослашган институтлар даражасида амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мулоқотларида илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилиш қатъий таъкидланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қозоқ миллатига мансуб 800 мингдан зиёд юрдошимиз истиқомат қилади, Қозоғистондаги ўзбеклар жамияти эса 500 мингга яқин кишини ташкил этади.

1992 йилдан буюн Ўзбекистонда Қозоқ маданияти маркази фаолият кўрсатмоқда, унинг 30 га яқин вилоят ва ҳудудий бўлими мавжуд. Мамлакатимизда қозоқ миллати вакиллари унга хос маданияти, аънаналари ва тилини асраб-авайлаш учун барча шароит яратилган.

2022 йил ноябрь ойида Остона шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Мазкур тадбир икки халқнинг узоқ тарих давомида шаклланган маданий-маънавий яқинлигини, яхши қўшничилик ва дўстлик ришталари мустаҳкамлигини яна бир бор намоён этди.

19 декабрь кунини, ташриф арафасида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг инсонпарварлик аънаналарини давом эттирган қозоқ ёзувчиси ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига бағишланган "Абай. Қардош халқлар мероси" кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон бугун ҳам кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва кен қўлламли шериклигини янада мустаҳкамлашга бел боғлаган. Президент Қосим-Жомарт Тоқоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки қардош мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиб, ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

"Дунё" АА

МУРОЖААТНОМА ОЛДИДАН

ЙИЛ САРҲИСОБ ҚИЛИНАДИ, АНИҚ МАҚСАДЛАР БЕЛГИЛАНАДИ

Самад ХУДОЙБЕРДИЕВ, педагог:

— Ҳар йили Президентимизнинг парламентга, халқимизга Мурожаатномасини интиқлик билан кутамиз. Чунки бу Мурожаатномада барча соҳалардаги ислохотлар харитаси чизилиб, янги йил режаси сифатида қатор вазифалар белгилаб берилади.

2022 йил ўз якунига етиб бормоқда. Янги йилда янги марраларни кўзлаган Ўзбекистон ёшлари ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Шу боис, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси асосида олдимизда қатор мақсадларимиз бор.

2022 йил 28 январда Президентимизнинг "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони билан "Инсон қадрини уюлтув ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди.

Тараққиёт стратегияси ва давлат дастурида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифатини ошириш, 2026 йилга қадар 10 та салохият-ли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришига мақсадли тайёрлаш ва қарий 100 минг ўринли

талабалар турар жойларини барпо этиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегияси даврида олий таълим тизимини ислоҳ қилишга оид қатор самарали ишлар амалга оширилди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасалари сони 2016/2017 ўқув йилида 70 та, 2021/2022 ўқув йилида эса 154 тани ташкил қилди.

Бу йил ёшларимиз ўзини намоён қилиши учун бир қатор имкониятлар яратилди. Хусусан, маҳаллаларда ёшлар етакчиси, ҳоким ёрдмчилари фаолияти йўлга қўйилди. Қувончлики, туман ёки шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун кадрлар маҳаллалардаги ҳоким ёрдмчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олиниши бўлди.

Биз, ёшлар келгуси йилда ҳам ана шундай имкониятлар яратилишини мамлакатимиз ахли каби интиқлик билан кутяптимиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, Мурожаатнома кейинги йилги вазифаларни тизимли равишда амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг бу галги Мурожаатномасида ҳам айнан халқимизнинг фаровон ҳаёти, ҳар бир соҳани ривожлантириш, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш каби ғоялар илгари сурилади. Барча ташаббусларга, белгилаб бериладиган вазифаларни бажаришга халқ вакили сифатида депутатлар ҳам астойдил бел боғлаган.

Умида РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мурожаатнома ҳар йили ўзгача шукух, ўзгача ҳавас билан кутилади. Нега ҳавас билан деяпмиз? Чунки йил давомида қилиниши керак бўлган ишлар, ислохотлар айнан Мурожаатномада белгилаб берилди. Қайси йўналишда муаммоларимиз бор, уларни бартараф этиш учун бугун қандай чора-тадбирларни белгилаб олишимиз кераклигига ҳавоб топамиз.

Президентимиз Мурожаатномасининг, давлат раҳбари ўтказётган ҳар бир урғуннинг ўзига хослиги шундаки, унда муаммо айтилади, тақлиф киритилади, шу билан бирга, амалга ошириш механизми ишлаб чиқилиб, тақдим этилади. Биздан талаб қилинадигани эса шу механизмлар асосида ҳалоллик билан инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйган ҳолда чора-тадбир кўриш, ҳолос.

Уаётган йилимиз ҳам жуда муваффақиятли бўлди. Бутун дунё пандемиядан кейинги иқтисодий таназзулдан чиқишга ҳаракат қилляпти. Биз ҳар қандай иқтисодий ғимояга тайёр мамлакат эканимизни яна

бир бор кўрсатиб, мана шундай оғир жараёндан ҳам ёруғ юз билан чиқа олдиқ. 2021-2022 йиллардаги ҳаракатларимиз йўқотилган муваффақиятлар ўрнини қоплай олди.

Биз жорий йил бошида ноқуруқ фуқароларимиз билан биргаликда конституциявий ислохотларни бошладик. Унда инсон манфаатини, қадрини, мамлакатимизда юриштилаётган сиёсатимизни ҳар бир хонадон ҳаётида акс эттиришга интилдик.

Маҳалла ва оила институтига ҳамisha асосий бўлин сифатида қаралади. Айнан маҳаллаларга назар ташлайдиган бўлсак, бугун ҳар бир фуқаро билан алоҳида ишланмоқда. Ҳоким ёрдмчилари, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли каби лавозимлар жорий этилиши иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган оилаларни, аёлларни, ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида катта қадам бўлди.

Биз маҳаллада муаммоларнинг олдини олсак, уларнинг келиб чиқишини олдиндан қура билсак, демак, ҳаракатларимиз самарали бўлади.

Ишончимизки, Президентимизнинг бу галги Мурожаатномасида ҳам айнан халқимизнинг фаровон ҳаёти, ҳар бир соҳани ривожлантириш, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш каби ғоялар илгари сурилади. Барча ташаббусларга, белгилаб бериладиган вазифаларни бажаришга халқ вакили сифатида депутатлар ҳам астойдил бел боғлаган.

“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бошланғичи 1-бетда

Бу йил ҳам Янги йил байрами олдидан “Президент арчаси” тadbрига ҳозирлик қилинмоқда. Уғил-қизларга атаб 10 минг дона “Президент совғаси” тайёрланади.

Ўзбекистон Президентининг болаларга йўлланган Янги йил табриғи, 14 турдаги ширинликлар, 3 турдаги ўқув қуроллари, электрон китоб, термос ва шахмат жиҳозлари совғалар жамланмасидан ўрин олган.

Жорий йилдан эътиборан, Мехрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, SOS болалар маҳаллалари ҳамда “Мехри мактаб”нинг 12 ёшдан катта бўлган 1095 нафар тарбияланувчиси учун замонавий электрон китоблар ҳам мазкур “Президент совғаси” таркибига киритилди.



Бу совғаларни оладиган болалар тоифасига эътибор қаратилса, ишлар нақадар ўринли ва манзилли ташкил этилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ота-онаси йўқлиғи ёки уларнинг қўли калталиғи туфайли совға олиш

имкониятидан маҳрум кичкинтойларга совға етказилиши, ўша пайтдаги шукух бир умр ёдда қолади. Вақти келиб, шу ўғил-қизлар вояга етганида давлатта миннатдорлигини эзгу амаллари, Ватан ривожига ҳиссаси орқали билдиради.

“Президент совғаси” мамлакатимизнинг 10 та ҳудуди — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларига “Uzbekistan Airways” АЖ самолётлари орқали, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларига ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг кузатуви остида автотранспорт воситалари орқали етказилмоқда.

Болаларимизнинг Янги йил байрамида муносиб дам олиши учун “Тошоша” болалар театр-студияси саҳналаштирган “Янгибекнинг орзуси” театр томошаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари томонидан тасвира олинди. Мазкур байрам дастури “Болажон” ва “Ақлвой” телеканалларида байрам кунлари ташкил этиладиган Янги йил телемарафони доирасида намойиш этилади.

“Президент совғаси”ни олган барча бола хурсанд бўлади. Чунки бу туҳфа бошқаларидан мутлақо фарқ қилади. Кичкинтойлар уни давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга юксак эътибори, алоҳида ғамхўрлиғи рамзи сифатида қабул қилади. Кўнгли ўсади. Кела-



жақда ўз ўрнини топиши учун ҳозирдан мақсадини ҳам белгилаб олади, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари Ваҳобжон Ражапов. — Ҳар бир болага Президент эътибори тимсоли сифатида табрик йўлланяпти. Бу уларни келгусида юртимиз равнақи учун хизмат қиладиган шахс бўлиб камолга етишга ундайди.

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган бола-

лар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ғимоя қилиш йўлида қурбон бўлган 3-15 ёшли болалар ҳамда иқтисодий ғимояга муҳтож оилалар фарзандларига Президентимиз номидан совғалар худудий ҳокимликлар иштирокида шу йилнинг 29-30 декабрь кунлари тантанали тарзда топширилади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ

Барқарор ривожланишда Ўзбекистон ташаббуслари амал қилмоқда



Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси

Бошланиш 1-бетда

Хужжат матнига эътибор қаратсак, ҳозирги даврда дунёда рўй бераётган мураккаб вазиятларда ҳам миллий имкониятларни жамлаган ҳолда, минтақавий ва глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида парламентаризмга хос бўлган воситалардан самарали фойдаланишга бўлган қадамлар барча парламентарийлар диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Узаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликка содиқликни мустаҳкамлашда парламентларнинг муҳим ўрни, энг аввало, сўнгги йилларда ривожланиб бораётган парламент дипломатияси тамойилларига асосланади.

Бош Ассамблея барча давлатларни парламентлари кўллаб-қувватлашга, уларни БРМга эришиш бўйича келгуси фаолият ва кузатиш жараёнига, айниқса, ихтиёрий миллий маърузаларни тайёрлашга жалб қилиш, шунингдек, миллий маъсулият ва ҳисобдорликни таъминлаш ва кучайтириш учун ёрдам беришга қақарилади.

Резолюцияда COVID-19 пандемиясидан инклюзив, мустаҳкам ва бардошли тикланишни кўллаб-қувватлаш ҳамда ҳеч қимми орда қолдирмасдан барқарор ривожланиш учун ўн йиллик ҳаракат ва қўлай муҳит яратишни тезлаштириш йўлида бирдамлик кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу хужжат глобал мақсадларнинг яхлит ва ажралмас экани ҳамда сийосатнинг изчиллиги 2030 йилга

қадар кун тартибига эришишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, аъзо давлатларни ҳисобдорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни назорат қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида, хусусан, ихтиёрий миллий таҳлилларни тайёрлашда парламентлар иштирокини кучайтиришга ва кўллаб-қувватлашга чорлайди.

Хужжатда парламентлар ва мустақил назорат органлари ўртасидаги мустаҳкам ва конструктив муносабатлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга экани тан олинди ҳамда парламентларни назорат механизми яхши тузилганини, тегишли ресурслар ва жиҳозларга эга бўлишни таъминлашга ундайди. 2030 йилги кун тартибини тўлиқ амалга оширишга қаратилган миллий ривожланиш режалари ва стратегияларнинг малакали мониторингини ва баҳоланишини таъминлаш учун экспертиза ва ресурслардан фойдаланишни рағбатлантириш зарурлиги қайд этилган. Бунда аҳолининг парламент жараёнида ва 2030 йилги кун тартиби ижросини мониторинг қилишда иштирок этиш имкониятлари ҳақида хабардорлигини ошириб бориш катта аҳамиятга эга.

Резолюцияда келтирилганидек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун самарали молиялаштиришни таъминлаш йўлида тегишли ҳукумат бюджети тақлифи бўйича парламент аъзоларини таҳлилий кўллаб-қувватлаш ўта муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Аъзо давлатлар, шу жумладан, улар парламентларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш сари олға силжишни жадаллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари марказида гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш турсади. Уларнинг парламентларда тўлиқ, тенг ва мазмунли иштироки ҳамда вакилликни, шу жумладан, қонунчилик ва парламент ишининг гендер тенгликка мос услубларини илгари суришда, хотин-қизларга нисбатан зуравонлик ва камситилишни барча шаклларнинг олдини олиш йўли билан рағбатлантиришда қўйиладиган, механизмлар орқали ҳамда ногиронларни сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этишга рағбатлантириш, имкониятларни кенгайтириш учун парламентнинг инклюзив ва қўлай бўлишини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар кун тартибини тўлиқ ва муваффақиятли амалга оширишда ёшларнинг ҳиссаси ушбу хужжатда алоҳида эътироф этилган. Парламентларга Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИ КЕНГАШЛАРИНИНГ 2020 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДАГИ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР ВА ВАЗИФАЛАРНИНГ 2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚЎШМА ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА 2030 ЙИЛГА ҚАДАР ЮҚОРИДА КЕЛТИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ ЭКАНИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ МУҲИМ ҚАДАМДИР.

ёшларнинг парламент жараёнида тўлиқ, тенг ва мазмунли иштирок этишни таъминлаш йўлидаги ишлаш тавсия қилинган.

Резолюцияда парламентлар ўртасида, жумладан, парламентлараро иттифоқ доирасида уч йўналиш — иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланишга эришиш бўйича миллий, минтақавий, халқаро саъй-ҳаракатлари мувозанатли ҳамда интеграциялашган ҳолда кўллаб-қувватлаш учун яқиндан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Аъзо давлатларнинг барча Барқарор ривожланиш мақсадларига мувозанатли ва яхлит тарзда эришишни тезлаштиришда парламентлар етакчилик ролини рағбатлантиришга қақарилади.

Ийрик жамоавий режаларни илҳомлантириш, узаро ўрганиш ва илгор тажриба алмашишни кучайтириш, парламент аъзолари ўртасида билим алмашиш, хабардорликни ошириш ҳамда 2030 йилга мулжалланган кун тартибини амалга оширишни кўллаб-қувватлаш учун замин яратиш мақсадида

парламентлараро, жумладан, Парламентлараро иттифоқ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тавсия қилинган.

БМТ Бош Ассамблеясининг мазкур резолюция бўйича қабул қилган қарори Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги ўрни ва ролини оширишга салмоқли ҳисса қўшди. Бу хужжат ҳозирги даврда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ислохотларнинг янги босқичи бошланганидан дарак бермоқда.

Ҳозир биз Ўзбекистонда янгилашган ва бугунги давр талабига мувофиқ тўлдирилган стратегия бўйича ҳаракатланишни мақсад қилиб олганмиз. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла ҳамоҳанг бўлган Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ишлаб чиқилаётган давлат дастурларини кўлловчи қонунларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрда барқарор ривожланиш бўйича

ўтказган саммитида 2030 йилгача бўлган даврда давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қабул қилинган хужжат принципал жиҳатдан янги глобал мажбуриятдир. Парламентлар қонунчилик ва назорат ваколатларига эга муҳим вакиллик органи сифатида ушбу мақсадларга эришишдан бевосита манфаатдор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2020 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш мақсадларига ва вазибаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясини тузиш тўғрисида”ги қўшма қарори мамлакатимизда 2030 йилга қадар юқорида келтирилган кенг кўламли мақсадларга ҳамоҳанг эканини тасдиқловчи муҳим қадамдир.

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолияти доирасида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан мунтазам равишда парламент ва қўмита эшитувларини ўтказиш парламентимиз кун тартибидagi асосий масалалар қаторидан ўрин олган ва бунинг учун алоҳида парламент комиссияси тузилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги қарори асосида 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Миллий индикаторлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга эришиш борасидаги ишлар миллий парламентимизнинг доимий диққат-эътиборида.

Парламент комиссияси ҳамда палаталаримиз қўмиталари томонидан

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги 5 йиллик ишлар ҳам сарҳисоб қилиниб, Ўзбекистоннинг миллий ихтиёрий ҳисоботи атрофлича ўрганилиб, ҳукуматга келгуси ҳаракатлар юзасидан тегишли тавсиялар тақдим этилган.

Бугун инсоният янги таҳдидлар ва муаммоларга дуч келган бир паллада конструктив руҳдаги ҳаракатлар вақти келган. Ер шарни аҳолиси кўпайишда давом этаётгани, табиий ресурслар захираси муттасил равишда қисқариб бораётгани, иқлим ўзгаришларининг асоратли таъсирлари, келиб чиқаётган глобал иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммолар кескинлашиб бораётгани мамлакатлардан узаро боғлиқлик руҳида жиддий чора-тадбирлар кўришни талаб қилмоқда.

Глобал пандемия эса турли ички ва ташқи муаммолар юзага келиши мумкинлигини, уларга тайёр туриш ва ўз вақтида бартараф этиш зарурлигини кўрсатди.

Парламентимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва экологик йўналишларга доир қонунларни тақомиллаштириш, янги қонунлар яратиш, улардаги мавжуд механизмларни ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Сўнгги уч йилда қабул қилинган қонунлар Барқарор ривожланиш мақсадларидаги вазибаларни таъминлашга ва амалиётда тўғридан-тўғри ишлашига йўналиштирилган. Парламентнинг назорат функциялари кенгайтирилиб, мазкур масалада қатор янги қонунлар амалиётга киритилди. Ўзбекистонда БРМга эришиш учун яратилган ҳуқуқий ҳамда институционал пойдеворни мустаҳкамлаш мақсадида парламент назорати доирасида амалга оширилаётган ҳар қандай ишлар аҳамиятли бўлиб келмоқда.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжман аҳоли қатламини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга ва мамлакат ривожига хизмат қилади.

Бу ишлар самарадорлигида парламентларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат йўналишларидаги фаолияти, сайловчилар билан натижага асосланган мулоқот ва парламентлараро алоқаларни узаро манфаатли руҳда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларнинг тўла амалга оширилиши жамиятнинг изчил ривожланишига, халқ фаровонлиги ва турмуш сифати янада яхшиланishi, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалишига хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР

ДУНЁ ПАРЛАМЕНТЛАРИ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ



Сардор ЮСУПОВ, юридик фанлар доктори

Сўнгги йилларда халқаро майдонда Ўзбекистонга ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш кучайётгани кўринмоқда. Дунёда ишонч ва бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар, можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўллаб-қувватлашга қарши Ўзбекистон мулоқот ҳамда ҳамкорликни тақлиф этмоқда.

Фаровонлик йўлида ҳамкорлик конференцияси, 2018 йил мартда Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”, 2021 йилда Хивада “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форумлари юқори даражада ташкил этилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислохотлар самараси ўлароқ, тарихда биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари БМТнинг дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали бутун инсониятнинг ҳаёт тарзини, турмуш фаровонлигини оширишга, адолатли ва барқарор жамият қуришга қаратилган глобал қақариғи, деб айтиш мумкин.



Бундан ташқари, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва ўтган йили у рёубега чиққани барчамизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

ДУНЁ ПАРЛАМЕНТАРИЗМИГА КЎШИЛГАН ҲИССА

Пандемия даврида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида муаммолар бутун дунёнинг заиф нуқтасига айланган бор гап. Шунингдек, постпандемия шароитида дунёнинг турли нуқталарида геосийсий можаролар давом этаётгани ишлаб чиқариш ва транспорт занжирлари узилиши, зарур озиқ-овқат ва дори-дармон билан узлуксиз таъминлаш, қочқинлар сони кескин ортишига олиб келмоқда. Бу эса аксарият аҳолининг тирикчилик воситаларига тўғридан-тўғри хавф солмоқда ва қашшоқлик ортишига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз 2020 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда

парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилиш тақлифини илгари сурган эди. Жорий йил 14 декабрь кунин БМТ Бош Ассамблеяси бу резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Барқарор ривожланиш мақсадлари БМТнинг дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали бутун инсониятнинг ҳаёт тарзини, турмуш фаровонлигини оширишга, адолатли ва барқарор жамият қуришга қаратилган глобал қақариғи, деб айтиш мумкин.

Резолюция қабул қилиш билан, биринчи навбатда, COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қимми эътибордан четда қолдирмасликни таъминлаш ҳамда, кенг кўламли, барқарор ва изчил тикланишни кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликка содиқликни таъминлашда парламентларнинг муҳим ўрни халқаро даражада мустаҳкамланди.

Иккинчидан, давлатлар БРМга эришиш бўйича келгуси фаолият ва уларнинг эришилишини кузатиш жараёнига, айниқса, ихтиёрий миллий маърузаларни тайёрлашга жалб қилиш, шунингдек, миллий маъсулият ва ҳисобдорликни таъминлаш ва кучайтириш учун парламентларга ёрдам беришга қаратилган. Мазкур ташаббус эзгу мақсад-муддаоларини бирлаштириш йўлида янги усул ва воситалардан фойдаланиш, бошқача айтганда, ишга глобал миқёсда тафаккур асосида ёндашишда парламентга барча давлат ва нодавлат сектор кўмаклашиши мақсадга мувофиқ.


Учинчидан, хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ва парламент жараёнида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокига кўмаклашиш орқали БРМга эришишни жадаллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг марказий омили сифатида гендер тенг-

ликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Инсониятнинг тенг ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг фаолигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш ва уларнинг фаровонлигини таъминлаш БРМнинг кўллаб-қувватлашга эришишга омил бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, 2030 йилга қадар бўлган даврдаги БРМ кун тартибининг муваффақиятли амалга оширилишида дунё миқёсида 2 миллиарддан ортиқ ёшнинг ўрни ва ҳиссаси муҳимлиги, уларнинг парламент жараёнида тўлиқ, тенг ҳуқуқли, таъсирчан иштирокини таъминлаш зарурлиги эътироф этилган. Мазкур ташаббус ёшларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кенгайтириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда ишсизликдан ҳимоя қилиш, ахборот эркилиги ва умуман олганда, ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Дунёнинг барча қитъаларидаги 80 та давлат, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Австрия, Бангладеш, Баҳрайн, Бельгия, Германия, Жазиор, Испания, Индонезия, Италия, Колумбия, Жанубий Корея, Малайзия, Миср, Нидерландия, Норвегия, Покистон, Португалия, Россия, Сингапур, Финляндия, Франция, ХХР, Швеция, Япония, Қатар ва бошқалар мазкур резолюциянинг ҳаммуаллифлари бўлди.

Башариятнинг COVID-19 пандемияси каби глобал муаммолар, геосийсий можаролар тўғрисида юзага келган гуманитар инқирозга қарши ҳамкорликда курашиш мутлақо янгича ёндашуви талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюция эса барча давлатлар ва халқларнинг эртасига, келажакка дахлдор ҳамда дунё парламентлари учун дастуриламал бўлади.



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ЭНГ ҚАДИМИЙ ТАРМОҚНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

“66” Ҳозирги кунда юртимизда 3 мингдан ортиқ иссиқхона бор. Уларнинг жами майдони 6 минг 300 гектардан зиёд бўлиб, шундан 4 минг 300 гектари сўнгги беш йилда ташкил этилган. Озиқ-овқат узлуксизлигини ва экспортини таъминлаётган кўп маҳсулотлар шу мажмуаларда етиштирилмоқда.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ



Ўтиш жараёни кечмоқда. Шундай бир пайтда аграр соҳани устун ривожлантириш бўлишидаги тақдирлар жуда галлати ва таъриби йўналишлари бўлиши мумкин. — Бирок дунёда, хусусан, мамлакатимизда юзга келган иқтисодий-иқтисодий вазият ва миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари айнан аграр тармоқни тез суръатларда ривожлантириш, истиқболда уни иқтисодий юксалишнинг етакчи омиллига айлантиришни таъминлаш ёки — дейди Самарқанд иқтисодий ва саноат институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Мурод Муҳаммедов. — Аслини олганда, ушбу нуктаи назар ҳозирги кунда иқтисодиёт илми

— Озиқ-овқат хавфсизлиги аҳолиси барқарор ўсиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам долзарб масала, — дейди Дилором Имомова. — Бу ҳақда гап кетганда, сўнгги беш йилда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш масалаларига мутлақо янги қаралаётгани, ушбу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиши алоҳида эътироф этиш жоиз. Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида соҳа олдида турган долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, юртимизда 2018 йил ҳолатига кўра, аҳоли ўртасида умумий тўйиб овқатланмайдиганларнинг ташкил этган 6,3 фоизини 2025 йилга келиб 3 фоизгача камайтириш ҳамда 2030 йилга бориб ноль даражага тушириш стратегик вазифалар сирасига киради ва ушбу мақсадга эришиш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Аслида ҳам қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг энг қадимий, ҳеч қачон ўзи ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир. Лекин глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида ҳар йили илгари кўрилган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётгани ушбу соҳага эътиборни янада кучайтиришни таъминлашга олиб келади. Айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 доллар ўсиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсишига олиб келади. Айни пайтда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларлик ўсишни таъминлайди.

25 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ИМПОРТИНИ ҚАНДАЙ ҚИСҚАРТИРИШ МУМКИН?

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тез-тез муҳокама қилиб борилаётгани катта самара бермоқда. Чунки уларнинг ҳар бирида эришилган натижалар, ишга солиниши зарур бўлган имкониятлар, олдинда турган энг муҳим масалалар аниқ-равшан кўрсатиб берилмоқда. Хусусан, шу йил бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, егулик маҳсулотлар етиштириш учун аҳолига ажратиб берилди. Бунинг натижасида 785 минг киши иш билан таъминланди, 3 трлн доллар сўмлик 1 миллион тоннадан зиёд қўшимча озиқ-овқат маҳсулоти етиштирилди.

Бу ишларни давом эттириш мақсадида Президентимизнинг яна 20 минг гектар ер ажратиб буйича қарори қабул қилинди. Келгуси йилда яна қўшимча 100 минг гектар экин майдонини аҳолига танлов асосида берилди. Бунинг ҳисобига қўшимча 1 миллион 200 минг аҳоли банд қилиш мумкин. Ҳақиқатда эса бозор механизмларидаги ўтирилиш натижасида фермерлар даромади 2 баравар ошди.

Энди яқинда — Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари қуни муносабати билан ўтказилган тадбирда Бош вазир Ўриновсарар Шухрат Ғаниев келтирган рақамларга эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, жорий йилда 7,2 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирилди. Шундан давлат ресурслари 2,6 миллион тонна дон харид қилини ҳамда 4,6 миллион тоннадан ортиги деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолди. Фермерлар ихтиёрига қолдирилган бошқоқ донни ўзи хоҳлаган муддатда эркин нархларда сотиши мумкин. Шунингдек, 3,5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони кўтарилди. Ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтаётган шароитда сифатли хомашининг етарли бўлиши янги имконият йўллари очди.

Мева-сабзавотчиликни кредитлаш буйича ҳам янги тизим жорий қилинди. Энди картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари эканган кластер ва деҳқонларга ҳосилини сугурталаш харажати 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Бундан буён пахта ва ғалладаги каби озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда ҳам сугурта полиси кредит таъминоти ҳисобланади. Бу янгилик қўллаб деҳқонларнинг ишини осонлаштиради.

Таҳлил натижаларига кўра, 2019-2022 йиллар буйича умумий рейтингда Ўзбекистон ўн икки ўринга юқорилади ва жорий йилда 113 мамлакат орасида 73-ўринни эгаллади. “Сифат ва хавфсизлик” йўналиши буйича 3, “Иқтисодий фойдалана олиш имконияти” йўналиши буйича 18, “Барқарорлик ва мослашиш” йўналиши буйича 36 поғонага кўтарилди. Яна бир жиҳати шундаки, мамлакатимиз кейинги тўрт йилда озиқ-овқат хавфсизлиги буйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган 10 мамлакат ичида биринчи ўринни эгаллади.



Шу ўринда яна бир халқаро индексга эътибор қаратсак. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги (FAO) ҳар йили Concern Worldwide ва Welthungerhilfe халқаро нодавлат ташкилотлари хулосаларига таянган ҳолда, Глобал очлик индексида (Global Hunger Index) энг яхши деб топилган мамлакатлар рўйхатини эълон қилиб келади. Ушбу индексда ўтган йили 116 мамлакат иштирок этган ва Ўзбекистон энг яхши деб топилган 49 мамлакат орасида 5,9 балл билан 21-ўринни эгаллаган. Бу мамлакатимиз мавқеи аввалги йилдагига қараганда 9 поғонага кўтарилганидан далolat беради.

Глобал очлик индекси тўртта кўрсаткич буйича аниқланади: тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши, беш ёшгача бўлган вази меъёрдан паст болалар улуши, беш ёшгача бўлган буйи меъёрдан паст болалар улуши, беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси.

— Тадқиқотлар давомида глобал кўламда сўнгги ўн йилликда кузатишган энг юқори кўрсаткичга таянган ҳолда, 100 баллик шкала буйича тўрт кўрсаткичнинг ҳар бири баҳоланади, — дейди Гулiston давлат университетиди доцентиди Акмал Абдувоҳидов. — Агар мамлакат 0 ва 10 балл оралиғида балл тўпланган бўлса, бу мамлакатда “очликнинг паст даражаси” кузатилади. Тўпланган баллар 10 ва 19,9 балл атрофида бўлса, “ўртача очлик”, 20 баллдан 34,9 баллгача бўлса, “очликнинг юқори”, 35 баллдан 49,9 баллгача бўлса, “очликнинг танглик” даражасини кўрсатади. Тўпланган баллар 50 ва ундан юқори бўлса, мамлакатда очлик даражаси “ҳалокатли” кўламда эканидан далolat беради.

Демак, Ўзбекистоннинг 5,9 балл тўлагани унинг “очликнинг паст даражаси”да турганини ифодалайди.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ДАРАЖАСИ

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлигининг таъкидлашича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, иқтисодий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озуқавий маҳсулотлар билан таъминланишини аниқлатади. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик меъёрлар буйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши зарур.

Мутахассисларнинг билдиришича, озиқ-овқат маҳсулотлари танқис юрталарда иқтисодий ўсиш секинлашгани ва аксинча, фуқаролари етарли рақонда овқатланган давлатларда тезлашгани кузатилади. 1 фоиз миқдордан кўпроқ оқсил моддасини истеъмол қилиш ялли ички маҳсулотнинг йилгига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди. ЯИМ йилгига 1 фоиз ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 баравар, ялли миллий маҳсулот

2 фоиз кўпайса, одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 баравар ошади ва ҳоказо. Шу сабабли аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунёда иқлим ўзгараётгани, кўп жойларда қуроқчилик юз бергани оқибатида озиқ-овқат етишмовчилиги кузатишмоқда. Бунинг устига, халқаро майдондаги зиддиятлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш мураккаб бўлиб бормоқда. Пандемия ҳам биринчи зарбани логистика занжирлари ва ишлаб чиқарувчиларга берди. Натижада озиқ-овқат нархлари бандлаб кетди, табиий газ баҳосининг кескин ошиши туфайли мамлакатлар етарли миқдорда ўғит ишлаб чиқара олмапти, ушлаб йиллар давомида шакллантирилган халқаро логистика эса барбод бўлмоқда.

— Афусланарлиси, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи йил сайин жиддий тус олмақда, — дейди Олий Махлус Қонунчилик палатаси депутати Дилором Имомова. — БМТ статистикасига кўра, 2019 йилда дунёда 690 миллион киши очликдан азият чеккан бўлиб, 2018 йилдагидан 10 миллион, беш йил олдинги кўрсаткичдан эса 60 миллион нафар кўпдир. 2022 йилнинг айни пайтига келиб эса бу миқдор қарийб 900 миллион кишига етиб қолди. Бундан ташқари, кейинги 50 йил давомида аҳоли сони уч баравар ортиб, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб қарийб 5 баравар кўпайган. Ҳозирги вақтда сайёрамизда 8 миллиарддан зиёд одам яшаётган бўлса, 2050 йилга бориб 10 миллиардга етиши кутилмоқда.

— Бугун дунё иқтисодиёти мавҳумлик шароитида ривожланмоқда, — дейди Акмал Абдувоҳидов. — Америкалик иқтисодчилар фикрича, пандемия шароитида иқтисодий пасайишнинг асосий омил иқтисодий ноаниқлик билан боғлиқ. Бу борада давлат томонидан юритилаётган сиёсатнинг қай даражада аниқлигини белгилаш борасида иқтисодий сиёсатнинг ноаниқлик индекси — Economic Policy Uncertainty (EPU)дан фойдаланилади. Агар 1997 йилдан то 2017 йилгача бўлган давр оралиғида EPU индексини таҳлил қилсак, дунё ялли ички маҳсулотнинг учдан икки қисмини ишлаб чиқарувчи 18 мамлакатда иқтисодий сиёсатнинг ноаниқлик индекси 150-300 оралиғида ўзгарганини кўришимиз мумкин. Аммо таҳлилчилар пандемия туфайли иқтисодий сиёсатнинг ноаниқлик индекси кейинги йилларда 450 пунктдан пастга тушмаётганини айтмоқда.



Мана шундай ноаниқлик ҳукм сураётган бир пайтда мамлакатлар барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш бора-бора ўз дастур ва режаларини ишлаб чиқиб, ҳаётга иччил жорий қилишга интиломоқда.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Жаҳонда тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига



оламида ҳукмронлик қилаётган ва дунёнинг деярли барча мамлакатлари амалиётда қўлланаётган уч тармоқли иқтисодиёт назарияси тамойиллари зид. Замонавий назарияда постиндустриал жамиятда иқтисодиётда бандларнинг 10 фоизи қишлоқ хўжалигида, 20 фоизи саноатда, 70 фоизи хизматлар соҳасида

банд бўлмоғи кўзда тутилади. Юртимизда эса мазкур секторларнинг улуши аввалги йилли маълумотларга кўра, мос тарзда 26,2, 33,3 ҳамда 50,5 фоизни ташкил қилган. Гап шундаки, миллий хусусиятларга эга Ўзбекистон шароитида айнан қишлоқ хўжалигига стратегик тармоқ сифатида қараш жуда катта самара бериши мумкин. У жаҳон андازасига қанчалик тўғри келиши ёки келмаслигидан қатъи назар, биз учун иқтисодий тараққиётда эришилган пировард натижа муҳим.

— Француз файласуф-материалпарвари Жан Жак Руссонинг бундан қарийб уч аср олдин билдирилган ушбу фикрлари ҳали-ҳануз ўз қимматини йўқотгани йўқ, — дейди Акмал Абдувоҳидов. — Қайтанга, кейинги пайтда дунёда устма-уст юз бераётган иқтисодий инқироз, пандемия, зиддият ва мождаролар даврида янада долзарблик касб этипти.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

“ИШБИЛАРМОН ТЕНГҚУРЛАРИМГА ҲАВАС ҚИЛГАНМАН”

Моҳичехра Мамедованинг Қўлба маҳалласига келин бўлиб тушганига 7 йил бўлди. У сартарошлик бўйича ўқув курсларида таълим олган, сўнг шогирд бўлиб уч йил аёллар сартарошхонасида малака оширган. Фарзандлари ёш бўлгани туфайли ҳеч қаерда ишлай олмади. Шунга қарамай, Моҳичехра изланувчан, ўзига нихоятда талабчанлиги боис, уйда бекор ўтиришни истамасди. Турмуш ўртоғининг ёнида туриб, рўзғор аравасини бирга тортишга, оила фаровонлигига ҳисса қўшишга қарор қилди.

— Уй шароитида бўлса-да, бекор ўтирмай, пул топишга ҳаракат қилдим, — дейди Моҳичехра Мамедова. — Маҳалламизда аёллар сартароши ва пайнет тўлов тизими йўқлиги учун шу ишларни ўзим қилмоқчи бўлдим. Туман ҳокими қабулига бориб, ўзига учрашдим. У ниятимни тўғри тушунди. “Иштиёқ билан

— Иш бошлаганимга бир ой бўлди. Дастлаб қўшилларим мижоз бўлиб келди. Уларга хизматим маъқул келганидан хурсанд бўлдим. Турмуш ўртоғим салон учун алоҳида жой очиб, таъмирлаб бермоқчи. Ушанда ўқув курси очиб, битирувчи қизларга ҳам хунар ўргатаман. Ҳозир уч нафар



келибди. Юрагида ўти бор экан, ёрдам берамиз. Ишни эплаб кетади”, деди. Нихоят Моҳичехра Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими орқали субсидия олди, гўзаллик салони учун керакли жиҳозлар билан таъминланди. Яқинда “Хунарманд” уюшмасига ҳам аъзо бўлди.

— Қўлба маҳалласида қарий 4 минг одам яшайди, — дейди маҳалланинг ёшлар етакчиси Фарид Искандаров. — Уларнинг мингдан зиёди ёшлар. Ёшларга хунар ўргатишда Моҳичехра каби хунарманд аёллар борлиги жуда асқатади. Ижтимоий аҳоли оғир қизларга бепул касб ўргатади.

Моҳичехра Жиззах педагогика коллежини битирган. Ўқитувчи бўлишни орзу қиларди, бироқ ўрта махсус маълумотга эга бўлгани сабабли ниятига етолмади. Сўнг Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимига мурожаат қилгач, “Ёшлар дафтари”га киритилди. Компьютер саводхонлиги бўйича бепул курсларда ўқиди, қўшимча хунар ўрганди. Тиришқоқ хунарманд тадбиркорлик фаолиятини бошлаб олди.

шогирдим бор, — дейди хунарманд аёл. — Орзуларим жуда кўп. Ишбилармон хонимларни кўрсам, ҳавасим келади. Ўзим ўқий олмаганим учун болаларимни ўқитишни ният қилганман. Тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтиришни, элдан кам бўлмасликни истайман. Яқинда турмуш ўртоғим иссиқхоначиликка қизиқиб қолди. Ҳоқимликка мурожаат қилдик, ҳозир фақат ташқи қолипни келтириб қўйишди. Қолган ишлар ҳам тезроқ ҳал бўлишига умид қилаймиз.

БУНЁДҚОРЛИКЛАРДАН ИЛҲОМ ОЛАДИГАН ҲУНАРМАНД

Руслан Янгибоев Фориш туманининг Хонбанди маҳалласида яшайди. 2018 йилдан бунён хунармандлик билан шуғулланади. У ясаган темир буюмларнинг харидори кўп. Шу билан бирга, Руслан тумандаги “Хунарманд” маркази раҳбари.

— Маҳалламизда хунармандлик марказини ташкил қилганмиз. Шу ерда ишсиз фуқаролар, йигит-қизлар бандлигини таъминлаш учун кўл меҳнатини ривожлантиряймиз, — дейди тиришқоқ йигити. — Ҳозир марказда 12 нафар хунарманд бор. Улар зардўлик, ёғоч уймакорлиги, каштачилик ва миллий либослар тикиш билан шуғулланмоқда. Ўзим замонавий тўсин, сейф, металл ҳайкалчалар ясайман. Бунортма асосида ишлайман. Болаликдан оилавий муҳитимиз шу касб билан боғлиқ, отам темирчилик қилган. Ўзим ҳам устачиликка қизиқиб, шу йўналишда ўқияман.

Руслан Ҳиндистоннинг “Sambhram” университети Жиззах филиали 3-босқичда ўқийди. Устозларидан керакли билimlerни олиб, хунармандликка доир янгиликларни ўрганиб, ўзлаштириб, даромади ҳам кун сайин ортмоқда.

— Бир ойда иш ҳақимдан ташқари ўртача 2 миллион сўм атрофида даромад топаман. Яқинда Хитой билан шартнома туздик. Ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини келтирдик. Шуларни ишга туширсак, маҳалламиздаги 9 нафар ёш иш билан таъминлаймиз, оиламизга қўшимча даромад келтираемиз. Бугунги кунда инновацион янгиликлар устида ишляймиз, металлга ишлов беришнинг янги усулини топганмиз. Шунинг қўллашга ҳаракат қилаймиз, — дейди ёш хунарманд.

Шу йилнинг июнь-июль ойларида Фарғона вилоятида ўтказилган ёш тадбиркор ва хунармандлар форумида Руслан ҳам иштирок этди. Бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар, тенгқурлари билан фикр алмашди. Ўзига керакли маълумотлар олди, тажриба тўплади. Унга қайтгач, қўшимча иккита ускуна сотиб олишга қарор қилди. Бошланғич Халқ банкнинг туман филиалидан 33 миллион сўм кредит ва шахсий маблағи ҳисобидан ускуналар олиб келди. Маҳалласидаги 4 нафар ишсиз ёшни иш билан таъминлади. Ҳозир бир кунда 3000 донна совун ишлаб чиқараяпти.

— Бугун ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қатор имтиёзлар бор. Бундан менга ўхшаган тенгқурларим самарали фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кўп ёшлар берилмаётган имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилганида баъзида эътиборсизликка дуч келади. Ўзим ҳам аввалгига 6-7 ой шу масаланинг ечимини қилолмаганман, — дейди ёш хунарманд. — Ишбилармон тенгқурларимни кўрганда ҳавас қилиб, улардек бўлишга, олға юришга уринаман. Бундан-да юксак марраларга эришишга, нималардир янгилик қилишга интиламан. Мамлакатимиз янада гуллаб-яшнасин, биз, ёшлар шундан қувват олиб, униб-ўсаверайлик.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА, журналист

Шахматни оммалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли мамлакатимизда бу спорт турига қизиқиш сезиларли даражада ошяпти. Жумладан, олий таълим муассасаларидаги шахмат мусобақалари талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ақлини чарқлаш билан бирга, истеъдоднинг муносиб рағбат топишга хизмат қилапти.



ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНАДИ



Мусобақа натижаларига кўра, йигитлар ва қизлар ўртасида учтадан ўрин соҳиблари аниқланиб, кубок ва пул мукофоти билан тақдирланди.

— Мусобақа жуда қизиқarli ўтди. Вақт қандай ўтгани сезилмади. Қизгин рақобатда кечган беллашувда болалиқдан шахмат ўйнаб юрганам, дадамдан ўрганганларим ҳар доимгидек қўл келди, — дейди мусобақа ғолиби Суҳроб Аввалбоев. — Университетимизда бундай беллашувлар, тадбирлар кўп ўтказилади. Дардан бўш вақтимизда маданий ҳордиқ чиқариш, билимимизни янада ошириш имконига эгамиз.

Хайриддин АБУЛҒАЙЗОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида талабалар ўртасида “Ректор кубоги” шахмат мусобақаси қизиқarli ва мurosасиз ўтди. Буни салкам уч соат донна сурган йигит-қизларнинг юз-кўзидаги ифодадан билиш қийин бўлмади.

Айни пайтда университетда нафақат шахмат, балки спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам беллашувлар ташкил этиш аъёна тусини олган. Бу бежиз эмас. Чунки ақлий ва жисмоний меҳнат уйғунлашганда инсоннинг тафаккури тарзи ижобий таъсирга ўзгаради. Ноодатий, янгича фикрлай бошлайди. Буни яхши анлаган университет раҳбарияти ташаббусини талабалар ҳам фаол иштироки билан қўллаб-қувватлаяпти. Айниқса, шахмат тўғрисида доим йигит-қизлар билан гавжум. Ғолиб иштирокчиларнинг салмоқли пул мукофоти олаётгани сабабли йигит-қизлар наздида шахмат шунчаки ўйиндан жиддий машғулот даражасига кўтарилмоқда.

— Талабаларимиз орасида шахмат ўйнашни фавқуллода яхши кўрадиганлар кўплигига ғувоҳ бўляймиз. Улар ҳар ҳафта ўтказиладиган мусобақаларда фаол қатнашиб, салоҳиятини

намоиш этяпти, — дейди университет декани Ақбар Нурматов. — Навбатдаги мусобақада ҳам катта ҳаяжон ва шиддат билан донна суринди. Бир жиҳатни алоҳида айтишим керак, шахмат ўйнаш борасида талаба қизларнинг йигитлардан асло қолишмаслигини кўрдик. Улар маҳоратда ҳам, топқирликда ҳам тенгқурлари орасида пешқадамлигини исботлади.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

АСОСИЙСИ – АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Муҳаббат опа бугун нафақада. Умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилиб, шарафли касбдан кадр топди. Маҳаллада ҳам у кишини доим “устоз” деб қаҳирлашади.

эслатиб, кейинги ҳовли томон ўтиб кетишди.

— Бугун ҳар бир ҳудудда одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди Косон тумани “Некўз” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаббат опа Шукророва. — Ростини айтиш керак, бир вақтлар кунимиз гўзапоёга қолганди. Бу гўзапоё дегани арзон бўлса, қани эди. Қимнингидир қош-қовоғига қараб, яна бировдан илтимос қилиб олиб келардик. Қор-ёмғирли кунларда бу ўтин ёнмасдан одамни чарчатарди. Бир чойнак чой ичиш учун ўчоқ бошида икки соат ўтиришга мажбур бўлардик. Шукрки, бугун энг чекка қишлоқларда ҳам газ баллонларда бўлса-да, газ ет-



казиб берилмоқда. Бу эса опис ҳудудларда яшаётган биз каби одамлар оғирини енгил қилапти.

— Икки фарзандим бор, — дея сўзида давом этади опа. — Тақдир экан, иккаласи ҳам имконияти чекланган. Келиним ҳам ногирон. Шу боис, уларнинг рўзғор қилишида газнинг афзаллиги анча катта. Соҳа ходимлари барака топсин. Доим йўқлаб туришади. Узлуксиз газ билан таъминлаб келишмоқда.

ID карталар берилган, бу орқали тўлов амалга оширилади.

ҲАР БИР ТАКЛИФ ЭЪТИБОРДА

Аҳоли эҳтиёжи инобатта олиниб, туманда қиш кунларида доимий назорат тартиби жорий этилган. Талаб ва таклифлар ўрганиб борилмоқда. Тегишли тартибда “ишонч телефони” ташкил этилган. Кечаю кундуз фуқаролар ўз фикр ва эътирозларини билдириши мумкин.

— Асосий ишмииз фуқароларга ўз вақтида баллон етказиб, уларнинг хавфсиз фойдаланиши учун тарғибот олиб боришдан иборат, — дейди “Косон тумангаз” суолтирилган газ хизмати бошлиғи Алишер Қўчқоров. — Машиий газ баллонларни қабул қилиш, сақлаш, суолтирилган газ билан тўлдириш ва аҳоли хонадонларига етказиб бериш тартиби белгиланган.

Тумандаги 71 маҳаллада 47 123 нафар газ абоненти мавжуд. Шунингдек, 27 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та сервис марказига ҳам газ баллонлари етказиб берилади. Машиий баллонларни аҳоли хонадонларига етказишда 9 та юк автомашинаси хизмат қилмоқда.

Бўлим томонидан нафақат суолтирилган газ, балки табиий газ таъминоти яхшилаш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хонадонларга тежамкор технологиялар жорий этилмоқда. Бир қатор маҳаллаларга янги газ қувурлари тортилиб, мавжудлари қайта таъмирдан чиқарилиб, тартибга келтирилди. Шунингдек, туманда фаолият юритувчи тадбиркорларга қўлайлик яратиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

“Е-GAZ” ДАСТУРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Истеъмолчиларга газ етказишда вилоят миқёсида ҳам ишлар авжида.

Жумладан, аҳолига суолтирилган газни бир маромда, узлишларсиз, хавфсиз ва сифатли етказиб бериш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги “Аҳолига ва ижтимоий соҳа объектига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суолтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида мунтазам равишда режа-дастурлар тузилиб, амалга таъбиқ этилмоқда.

Соҳага оид фармон ва қарорлар ижроси доирасида ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда ижроси таъминланмоқда.

— “Йўл харитаси”га кўра, истеъмолчиларга етказиб берилаётган суолтирилган газ баллонлари ҳаракатини доимий равишда масофадан онлайн назорат қилиш тизими жорий этилиб, “Е-gaz” дастури ишга туширилди, — дейди “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиали директори Ғолиб Муродов. — Ушбу автоматлаштирилган тизим доирасида вилоятдаги мавжуд 604 минг 256 нафар истеъмолчига махсус ID карталар тарқатилиб, фойдаланишда бўлган машиий газ баллонларига махсус бар-кодли ёрликлар бириктирилди.

Дастур асосида машиий газ баллонларини айланма тарзда хонадонма-хонадон етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди. Бу эса вилоятдаги мавжуд ҳар бир истеъмолчи таъминотидаги камчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тизимдаги коррупцион ҳолатларга чек қўйиш имконини беради.

Бугун соҳада яхши томонга ўзгаришлар кўпайгани аҳоли кайфиятига ҳам ижобий таъсир этмоқда. Мухими, иш-хотлардан фуқаролар рози бўлиб, турмуш тарзи яхшилланмоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



